

«Бекободцемент» АЖ
Акциядорлар умумий йиғилиши
қарори билан жорий қилинган
«30» 06. 2016 й.
1-2016-сонли баённома

**КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ
КОДЕКСИ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Корпоратив бошқарув кодекси (қуйида матн бўйича – “Кодекс”) Акциядорлик жамиятлари ҳалол ва ошқора бизнес юритишга содиқликларини намойиш қилган ҳолда ихтиёрий равишда амал қиладиган тавсияларни ўз ичига олади.

2. Кодекс Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва халқаро корпоратив бошқарув қоидаларига асосланган.

3. Мазкур Кодекс мақсадларида корпоратив бошқарув Акциядорлик жамияти (қуйида матн бўйича – “АЖ”) ижроия органи, Жамият Кузатув кенгаши, акциядорлар, меҳнат жамоаси вакиллари ва бошқа манфаатдор томонлар, шу жумладан кредиторлар ўртасида АЖ фаолиятининг самарали ташкил қилинишини таъминлаш, ишлаб чиқариш қувватларини замонавийлаштириш, техник ва технологик жиҳатдан қайта таъминлаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни ташқи бозорларга экспорт қилиш учун қайд этилган шахслар манфаатлари мувозанатига эришиш мақсадидаги ўзаро муносабатлар тизими сифатида тушунилади.

4. Кодекс АЖ бошқарув органлари фаолиятини самарали ташкил қилиш учун энг муҳим йўналишлар бўйича тавсиялар тўпламини ўз ичига олади.

5. Кодекс ҳисобдорлик, ошқоралик, асосланганлик, юқори маънавий-ахлоқий қоидаларга риоя қилиш ва АЖнинг узоқ муддатли истиқболда барқарор ривожланишини таъминлаш учун йўналишини ўз ичига олган тегишлича бошқарувнинг асосий қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

6. Кодекс тавсияларига риоя қилиш мажбуриятларини олиш тўғрисидаги қарор Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

7. АЖ ўз тармоқ хусусиятлари ва фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, Кодекс тавсияларини жорий қилиш бўйича ички корпоратив ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

8. Кодекс тавсияларига риоя қилиш мажбуриятларини олиш ва унга амал қилиш тўғрисидаги ахборотнинг эълон қилиниши оммавий ахборот воситаларида, шунингдек АЖнинг Интернет тармоғидаги корпоратив веб-сайти (қуйида матн бўйича – “АЖ сайти”)да ва фонд биржаси сайтида, шунингдек қонун ҳужжатлари билан ахборотни ошқор қилиш учун назарда тутилган бошқа манбаларда амалга оширилади.

9. Кодекс тавсияларини жорий қилишга тайёргарлик, татбиқ қилиш ва мониторинги бўйича ҳаракатларнинг тавсия қилинадиган кетма-кетлиги 1-сонли иловада келтирилган.

10. АЖ Кодекс тавсияларига риоя қилиш мажбуриятларини олиш тўғрисидаги ахборотни 2-сонли иловага мувофиқ намуна (шакл) бўйича эълон қилиш орқали ошқор қиладди.

11. АЖ Кодекснинг айрим тавсияларига риоя қилиш имконияти бўлмаган ҳолатда, бунинг сабабларини “*comply or explain*” (“риоя қил ёки тушунтир”) халқаро қоидага амал қилган ҳолда батафсил ёритиб беради.

II. ФАОЛИЯТ ОШКОРАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

12. АЖ фаолиятининг ошқоралигини таъминлаш учун қуйидагиларни амалга оширади:

- ахборотнинг махфий ахборот, тижорат сирини тоифаларига киритилиш аниқ мезонларини, шунингдек акциялар нархи ўзгаришига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган маълумотларни белгилайди;

- АЖ сайтида ва қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган бошқа манбаларда ошқор қилиниши шарт бўлган ахборотнинг инглиз, рус тилларига ҳамда акциядорларга

ва бошқа манфаатдор томонларга, шу жумладан хорижий инвесторларга қулай бошқа тилларга таржимаси билан эълон қилинишини таъминлайди;

- Акциядорлар умумий йиғилишида ижроия органи мукофот пуллари (ҳақлари) ва компенсациялари миқдорини ошкор қилади;

- АЖ сайтида ижроия органи ва унинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тўғрисидаги, АЖ (20%дан юқори ҳиссага эга акциядорлар) акциядорлик капитали тузилиши тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

- соф фойданинг мўлжалланган тақсимланиши асосларини, дивидендлар миқдорини, уларнинг АЖда қабул қилинган дивиденд сиёсатига мувофиқлиги баҳоланишини, шунингдек, зарур ҳолларда, соф фойда муайян қисмининг АЖни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтирилиш ҳажмлари изоҳлари ва иқтисодий асосларини эълон қилади;

- акциядорларнинг талаби бўйича АЖ тўғрисида акциядорлар ва инвесторларга керакли бошқа маълумотларни (махфий ахборот, тижорат сиридан ташқари) мақсадга мувофиқ муддатларда тақдим қилади.

13. АЖ Кузатув кенгаши фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш учун “Ахборот сиёсати тўғрисидаги Низом”ни тасдиқлайди, ушбу Низом қуйидагиларни ўз ичига олади:

- АЖнинг очиқ ахборотини ошкор қилишдан мақсади ва унинг қоидалари;

- сайтда ошкор қилиниши шарт бўлган маълумотлар рўйхати, уларни ошкор қилиш муддатлари ва тартиби, шу жумладан ошкор қилиш амалга ошириладиган ахборот каналлари ва ошкор қилиш шакллари;

- ижроия органининг АЖ тўғрисида ошкор қилинадиган ахборотни ошкор қилиш бўйича мажбуриятлари;

- АЖ бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслари, ходимларининг акциядорлар ва инвесторлар, бошқа манфаатдор шахслар, шунингдек оммавий ахборот воситалари вакиллари ўртасида ахборот алмашинув тартиби;

- АЖ ахборот сиёсатига риоя қилиниши устидан назоратни таъминлаш бўйича чоралар.

14. Ахборот сиёсати тўғрисидаги Низом АЖ бошқарув ва назорат органлари ҳамда унинг ходимлари томонидан риоя қилиниш учун мажбурий ҳисобланади.

III. САМАРАЛИ ИЧКИ НАЗОРАТ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ

15. АЖ самарали ички назорат механизмларини жорий қилиш мақсадида қуйидагиларни амалга оширади:

- Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомда унинг таркибига мустақил аъзоларни киритиш бўйича талабларни акс эттиради;

- Кузатув кенгашига Акциядорлар умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатлари томонидан белгиланган доиралардагина хайрия (ҳомийлик) ёки бепул ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва ёрдам кўрсатиш (олиш) тартибини, шартларини белгилаш бўйича ҳуқуқларни юклайди, бу тўғрисидаги ахборотни барча акциядорлар учун ошкор қилади;

- Акциядорлар умумий йиғилиши қарори бўйича мустақил ихтисослашган ташкилотлар-консультантларни жалб қилиш орқали бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг АЖни ривожлантириш мақсадларига мувофиқлигининг ҳар йиллик таҳлилини ўтказди;

- барча акциядорлар, шу жумладан миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси таъминланишини АЖ ички назорат тизимини ташкил қилишнинг асосий мақсади сифатида белгилайди;

- ижроия органи томонидан аффилиланган шахслар билан битимлар ва йирик битимлар мустақил равишда амалга оширилиши учун АЖ жорий хўжалик фаолияти

билан боғлиқ битимларни белгилаш бўйича масаланинг Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан кўриб чиқилишини таъминлайди;

- АЖ ички аудит хизматига ички назоратни амалга ошириш, шу жумладан устав капиталининг 50%идан кўпроқ қисми АЖга тегишли бўлган юридик шахслар томонидан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга ошириш бўйича ваколатлар беради;

- АЖ таркибига кирувчи корхоналар бошқарув органларидаги вакилларининг АЖ номидан овоз бериш тартибини белгилайди;

- АЖ Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок қилган шахсга бундай шахс ҳисобидан унинг томонидан тўлдирилган бюллетень нусхасини олиш имконини тақдим қилади;

- АЖ ижроия органидан амалга оширилган ишлар ва АЖ таркибига кирувчи корхоналарнинг бизнес-режалари билан тасдиқланган фаолият натижалари ютуқлари тўғрисида мунтазам ҳисоботларни талаб қилади;

- АЖ ички назорат органлари (Тафтиш комиссияси ва ички аудит хизмати)нинг Кузатув кенгаши, Акциядорлар умумий йиғилиши, Миноритар акциядорлар кўмитаси (мавжуд бўлган ҳолатда) ва акциядорлар билан ўзаро муносабатлари тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

16. АЖда самарали ички назорат механизмларини жорий қилиш учун Акциядорлар умумий йиғилиши “Ички назорат тўғрисидаги Низом”ни тасдиқлайди, ушбу Низом қуйидагиларни ўз ичига олади:

- АЖ ички назорат органлари таркибига ва аъзолари малакаларига талаблар;

- ички назорат тизими тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш таркиби ва тартиби;

- АЖда ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш учун ихтисослашган мустақил ташкилотлар-консультантларни жалб қилиш тартиби;

- ички назорат органлари фаолиятини мониторинг қилиш механизмларини, уларнинг аъзоларига тўланадиган компенсациялар ва мукофот пуллари ҳисоб-китоб тартибини тавсифлаш.

17. “Ички назорат тўғрисидаги Низом” АЖ ходимлари, унинг бошқарув ва назорат органлари аъзолари томонидан риоя қилиниш учун мажбурий ҳисобланади.

18. Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ АЖ Кузатув кенгаши таркибига энг камида битта мустақил аъзони киритади (бирок унинг устави билан назарда тутилган Кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15%идан кам бўлмаган ҳолда).

19. АЖ Кузатув кенгашининг мустақил аъзолари қуйидаги:

(i) АЖда, унинг шўъба ёки аффилланган корхоналарида сўнгги 5 йил мобайнида ишламаган;

(ii) АЖ, унинг шўъба ёки аффилланган корхоналари акциядорлари ҳисобланмаган;

(iii) қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 5 минг миқдоридан юқори суммадаги тааллуқли шартномага эга йирик мижоз ёки етказиб берувчи, шунингдек АЖ, унинг шўъба ёки аффилланган корхоналари билан боғлиқ бўлмаган;

(iv) АЖ, унинг шўъба ёки аффилланган корхоналари билан хизмат кўрсатиш бўйича контрактларга эга бўлмаган;

(v) сўнгги 5 йил мобайнида АЖ, унинг шўъба ёки аффилланган корхоналари раҳбар ходими сифатида ишлаётган ёки ишлаган шахснинг оила аъзоси ҳисобланмаган;

(vi) АЖнинг назорат қилувчи шахси (ёки АЖ устидан жамоавий назоратни амалга оширадиган шахслар гуруҳи ва/ёки ташкилот аъзоси) ҳисобланмаган;

(vii) АЖ билан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар билан боғлиқ бўлмаган ва АЖ ёки юқори тармоқ муассасаси (компанияси) йирик акциядорининг ходими ҳисобланмаган шахслардан иборат бўлиши мумкин.

IV. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ

20. Акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари реализация қилинишини таъминлаш учун АЖ бошқарув ва назорат органлари қуйидагиларни амалга оширадилар:

- АЖ сайтида ёзма ёки электрон сўровномалар юборилиши мумкин бўлган манзилларни, шу жумладан акциядорлар билан алоқа боғлаш маълумотлари ва банк реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида маълумотларни кўрсатиш орқали акциядорлар учун АЖ билан алоқани соддалаштирадилар;

- Акциядорлар умумий йиғилишида шахсан иштирок қилолмайдиган акциядорлар учун электрон почта орқали овоз бериш (электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда), шунингдек ўз ваколатларини вакилга юклаш ёки умумий йиғилишни видео-конференц-алоқа режимида ўтказиш орқали овоз бериш имкониятини ва шароитларини яратадилар;

- дивидендларни ҳисоб-китоб қилиш ошқора механизмини ёритиб берувчи АЖ дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқадиладар;

- Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги Низомда Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилгунга қадар акциядорларга кун тартиби бўйича керакли ахборотни, шу жумладан Кузатув кенгашининг умумий йиғилиш кун тартиби бўйича нуқтаи назарини тақдим қилишни назарда тутадиладар;

- Санок комиссиясига амалий ёрдам кўрсатиш ёки унинг функцияларини бажариш учун мустақил экспертлар (масалан, инвестиция консултанти ва қимматли қоғозлар бозорининг бошқа малакали иштирокчилари)ни жалб қилишлари мумкин;

- акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро алоқа учун масъул ходим ёки бўлинмани белгилайдилар (тайинлайдилар);

- Уставда АЖнинг энг камида 1% оддий акциялари эгаларига Кузатув кенгаши йиғилиши чақирилишини талаб қилиш ва Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилгунга қадар кун тартиби, фойданинг тақсимланиши, бошқарув ва назорат органлари аъзолигига номзодлар, уларни алмаштириш имкониятлари бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқини тақдим қиладиладар;

- АЖнинг алоҳида ички хужжатида акциядорлар, шу жумладан миноритар акциядорлар учун овоз беришда уларнинг биргаликдаги нуқтаи назарларини шакллантириш учун акциядорлик битимларини тузиш бўйича имкониятни назарда тутадиладар;

- Миноритар акциядорлар кўмитасини таъминлаш учун харажатларни АЖ маблағлари ҳисобига қоплайдилар (Миноритар акциядорлар кўмитасини ташкил қилишда);

- Уставда миноритар акциядор хужжатларни асосиз равишда талаб қилиб олиш ва махфий ахборот, тижорат сиридан фойдаланиш орқали АЖ бошқарув органлари фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги кераклигини назарда тутадиладар;

- Уставда қўшимча акциялар чиқарилганда акциядорларга устав капиталидаги ҳиссаларига мутаносиб акцияларни имтиёзли харид қилиш ҳуқуқи тегишлилигини назарда тутадиладар;

- барча акциядорларга уларга тегишли ҳиссалардан, даромадлар даражасидан, жинсидан, ирқидан, динидан, миллатидан, тилидан, ижтимоий табақасидан, шахсий ва ижтимоий аҳволдан қатъий назар тенг муносабатни таъминлайдилар;

- Уставда Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига таклифлар тақдим қилиш учун кечроқ муддатни назарда тутадиладар;

- Жамиятнинг ижроия органи, Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзолари, шунингдек аудиторлик ташкилоти вакилининг Акциядорлар йиллик умумий йиғилишида иштирокини таъминлайдилар;

- Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомда Кузатув кенгаши аъзоси вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин бўлган шартларни, АЖ Кузатув кенгаши раисининг фаолияти ва унинг йиғилишларини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ функциялари тартибини назарда тутадилар;

- АЖ акциядорларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари реализация қилинишини таъминлашга қаратилган бошқа зарур чораларни амалга оширадилар.

21. АЖ акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари реализация қилинишини таъминлаш учун юқорида қайд этилган тавсиялар акс эттирилган зарур ички ҳужжатларни қабул қилади.

V. УЗОҚ МУДДАТЛИ ИСТИҚБОЛ УЧУН РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА ВАЗИФАЛАРНИ БЕЛГИЛАШ

22. Узоқ муддатли истиқбол учун ривожланиш стратегияси ва вазифаларни белгилаш учун АЖ бошқарув органлари куйидагиларни амалга оширадилар:

- молиявий барқарорликни таъминлаш, меҳнат унумдорлигини, маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, экспорт ва энергия самарадорлик ўсиши, акциялар қиймати оширилишига олиб борувчи ишлаб чиқаришлар замонавийлаштирилиши, техник ва технологик жиҳатдан янгиланиши амалга оширилишини АЖнинг стратегик мақсадлари сифатида белгилайдилар;

- тармоқ хусусиятлари, рақобатчилик муҳитининг таҳлили, экспорт йўналишини таъминлаш ҳамда тааллуқли тармоқлар, соҳалар ва регионларни ривожлантириш бўйича тасдиқланган давлат дастурларини реализация қилишга асосланган ҳолда АЖнинг 5 йилдан ортиқ давр учун узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқадиладар ва Акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқлайдилар;

- хорижий амалиётда муваффақиятли тажрибадан ўтказилган бошқарув усуллари, шу жумладан SWOT, GAP таҳлили ва бошқа ёндашувларни, махсус дастурий маҳсулотларни ва ҳоказоларни кенг қўллайдилар;

- Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган узоқ муддатли стратегия асосида қисқа муддатли (ҳар йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача давр учун) бизнес-режаларни ишлаб чиқадиладар ва Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашига тасдиқлаш (маъқуллаш) учун киритадиладар;

- АЖда қабул қилинган ҳар бир ривожланиш режасида белгиланган мақсадларга эришиш мониторингини амалга ошириш имконини берадиган зарур сон ва сифат мезонларини жорий қиладиладар.

23. Кузатув кенгаши АЖнинг ижроия органи, ички назорат органлари, АЖда ташкил қилинган коллегиял органлар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиради ва зарур ҳолларда, АЖ ривожланиш режалари ишлаб чиқилишини ташкиллаштириш ва уларда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун экспертларни жалб қилади.

24. АЖ мажбурий тартибда акциядорлар таркибига (қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолатлардан ташқари) АЖ бошқарувида, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришда ва унинг ташқи бозорларга экспортини таъминлашда иштирок қиладиган стратегик хорижий инвесторларни жалб қилади.

VI. ИЖРОИЯ ОРГАНИНИНГ АКЦИЯДОРЛАР ВА ИНВЕСТИОРЛАР БИЛАН САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ

25. Ижроия органининг акциядорлар ва инвесторлар билан самарали ҳамкорлик механизмларини жорий қилиш учун АЖ бошқарув органлари куйидагиларни амалга оширадилар:

- АЖ акциядорлари, бошқарув ва назорат органлари аъзолари ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат, ҳисобдорлик ва назорат асосидаги ҳамкорликни таъминлайдилар;

- АЖ мансабдор шахслари томонидан ўз вазифаларининг малакали асосда ижро этилиши, улар томонидан қонун ҳужжатлари, АЖ Устави ва бошқарув органлари қарорларидан келиб чиқадиган барча мажбуриятлар оқилона бажарилиши тўғрисидаги талабни жорий қиладилар;

- Кузатув кенгаши аъзолигига номзодларга малакавий талабларни, шу жумладан устав капиталида давлат ҳиссасига эга АЖда корпоратив бошқарувчининг Корпоратив бошқарманинг Илмий-таълим маркази томонидан берилган малакавий шаходатномаси (аттестати) мавжуд бўлиши талабини белгилайдилар (қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолатлардан ташқари);

- АЖ Кузатув кенгаши қошида тааллуқли масалалар бўйича, шу жумладан низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал қилиш учун АЖ Кузатув кенгаши, ижроия органи аъзолари, АЖ ходимлари ва жалб қилинган экспертлар (тааллуқли соҳа мутахассислари, ихтисослашган олий ўқув юртлари ўқитувчилар таркиби ва бошқа мутахассислар) орасида кўмиталар (ишчи гуруҳлар)ни ташкил қиладилар;

- сўровнома орқали, шунингдек видео-конференц-алоқа режимида Кузатув кенгаши йиғилишларини ўтказиш ҳолатлари ва тартибини белгилайдилар;

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши аудио ва видео ёзувлари амалга оширилишига ва унинг Интернет тармоғида намойиш қилинишига рухсат бериш масалаларини Акциядорлар умумий йиғилиши раиси ваколатларига киритадилар;

- АЖ Кузатув кенгаши, Акциядорларнинг умумий йиғилиши, АЖ Устави ва АЖни ривожлантириш режалари томонидан кўйилган вазифаларнинг муқаррар бажарилиши учун уларнинг ваколатларига киритилган масалаларнинг ижроия органлари томонидан мустақил равишда ҳал қилиниши тўғрисидаги талабларни жорий қиладилар;

- ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок қилиш орқали АЖ мансабдор шахслари малакаларини оширадилар;

- АЖда Кузатув кенгашига ҳисобдор ва АЖ фаолиятида корпоратив қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш учун масъул корпоратив консультант лавозимини жорий қиладилар;

- АЖ бизнес-таваккалчиликлари ва ижроия орган жавобгарлигини таъминлайдилар;

- Кузатув кенгаши аъзоларининг мукофот пуллари (иш ҳақлари) миқдорини АЖ фаолияти молия натижаларини ва корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари билан мувофиқлаштирадилар;

- Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берадиган АЖ бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига талабларни ҳамда умумий йиғилиш давомийлигини белгилайдилар;

- акциядорлар вакили сифатида иштирок қилаётган ижроия органи аъзоларининг ижроия органи аъзоларини сайлаш масаласи бўйича овоз бериш ҳуқуқларини чеклаб қўйишлари мумкин;

- Уставда АЖ, одатда, Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишини ўтказадиган санани назарда тутадилар.

26. Ижроия органининг акциядорлар ва инвесторлар билан самарали ҳамкорлик механизмларини жорий қилиш учун АЖ юқорида қайд этилган тавсиялар акс эттирилган зарур ички ҳужжатларни қабул қилади.

VII. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ

27. Манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ низоли вазиятлар юзага келишининг олдини олиш ва ҳал қилиш мақсадларида АЖ Манфаатлар тўқнашувида ҳаракатлар тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқадилар, ушбу Низом қуйидагиларни ўз ичига олади:

- АЖ мансабдор шахсларининг АЖ манфаатларида ҳаракат қилиш вазифалари;

- АЖ мансабдор шахслари томонидан ҳаракатлар ва битимлар амалга оширилганда, шунингдек улар томонидан ахборот ошкор қилинганда манфаатлар тўқнашуви пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларни белгилаш;
- АЖ мансабдор шахсларининг Кузатув кенгашини манфаатлар тўқнашуви юзага келганлиги тўғрисида хабардор қилиш бўйича мажбуриятлари;
- АЖ мансабдор шахсларининг АЖ Кузатув кенгаши рухсатсиз бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида иштирок қилишини тақиқлаш;
- АЖ мансабдор шахслари томонидан ҳаракатлар ва битимлар амалга оширилганда, шунингдек улар томонидан ахборот ошкор қилинганда эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви олдини олиш;
- манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ низоли вазиятларни ҳал қилиш, шу жумладан манфаатдор бўлмаган учинчи шахсни уларни ҳал қилиш учун тайинлаш ёхуд манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш бўйича вазифаларни Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси (мустақил аъзолари) зиммасига юклаш орқали ҳал қилишнинг батафсил тартиби.

28. Манфаатлар тўқнашувида ҳаракатлар тартиби тўғрисидаги Низом Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

VIII. НАМУНАЛИ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ

29. Жамиятнинг намунали ташкилий тузилишини жорий қилиш учун АЖда қуйидагилар амалга оширилади:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган намунали тузилишга мувофиқлик таъминланади;

- ташкилий тузилишни ишлаб чиқишда ва жорий қилишда АЖ фаолиятининг кўламли, тармоқ хусусияти ва йўналишлари ҳисобга олинади;

- АЖнинг амалдаги ташкилий тузилишнинг қонун ҳужжатлари билан тасдиқланган намунали тузилишга мувофиқлигининг мунтазам баҳоланиши ташкиллаштирилади;

- АЖга раҳбарлик лавозимларига хорижий менежерлар орасидан номзодлар иштирок қилиши имкониятини ўз ичига олган ҳар йилги танлов асосида саралаб олиш тадбирлари ўтказилади;

- раҳбарлик лавозимларига танловни эълон қилиш, танловнинг объектив мезонлари, унинг яқунлари бўйича янги, замонавий фикрлайдиган, замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали раҳбарларни, шунингдек хорижий менежерларни ёллаш тартиблари қайд этилган танлов асосида саралаб олиш тартиби тасдиқланади.

30. Кузатув кенгаши АЖ ташкилий тузилишининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва мунтазам равишда баҳолаш ишларининг ўзаро мувофиқлаштирилишини таъминлайди.

IX. ХАЛҚАРО АУДИТ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА АХБОРОТ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ

31. Халқаро аудит ва молиявий ҳисобот стандартлари асосида ахборот эълон қилиниши учун АЖда қуйидагилар амалга оширилади:

- АЖ Кузатув кенгаши томонидан Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (қуйида матн бўйича – “ХМҲС”)га мувофиқликда ҳар йилги молиявий ҳисобот эълон қилинишига ўтишни таъминлаш бўйича ишларнинг ўзаро мувофиқлаштирилиши амалга оширилади;

- АЖ Тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати, Кузатув кенгаши, АЖнинг масъул мансабдор шахслари ва АЖнинг ХМҲСга мувофиқликда молиявий ҳисобот эълон қилинишига ўтиши масалалари бўйича жалб қилинган экспертлар (зарур ҳолларда) орасидан ишчи гуруҳи ташкил қилинади;

- ХМҲС ва халқаро аудит стандартлари асосида АЖнинг ахборот эълон қилинишига ўтиши бўйича малакали хизматлар кўрсатиш учун аудиторлик ёки консалтинг ташкилотлари жалб қилинади;

- ХМҲС ва халқаро аудит стандартлари асосида АЖнинг ахборот эълон қилинишига ўтишининг босқичма-босқич алгоритми (тадбирлар режаси) аудиторлик ташкилоти билан биргаликда ишлаб чиқилади ва Кузатув кенгаши йиғилишида тасдиқланади;

- АЖнинг аудит ўтказиш ва молиявий ҳисобот тузишга дахлдор ходимларининг ХМҲС ва халқаро аудит стандартлари бўйича ўқув курсларида таълим олиши амалга оширилади;

- ХМҲС ва халқаро аудит стандартлари асосида АЖнинг ахборот эълон қилинишига ўтиши бўйича тааллуқли тадбирлар режаси билан назарда тутилган тадбирлар амалга оширилади;

- ХМҲС ва халқаро аудит стандартлари асосида ҳар йилги молиявий ҳисобот конун ҳужжатлари билан белгиланган муддатларда эълон қилинади.

Х. КОДЕКС ТАВСИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ МОНИТОРИНГИ

32. АЖ Кодекс тавсияларини жорий қилиш мониторингини амалга ошириш мақсадида АЖда корпоратив бошқарув тизими баҳоланишини ўтказадилар, буни амалга ошириш учун мустақил ташкилотни жалб қилиш тавсия этилади.

33. АЖда корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳоланиши йилига энг камида бир марта ўтказилади.

34. АЖда корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳоланиши АЖ билан мулкий муносабатлар билан боғлиқ бўлмаган ташкилот билан тааллуқли шартнома асосида амалга оширилади.

35. АЖда корпоратив бошқарув тизими баҳоланишини ўтказиш учун мустақил ташкилот сифатида қуйидагилар иштирок қилиши мумкин:

- фонд биржаси;
- қимматли қоғозлар бозорининг малакали иштирокчилари;
- штатида тааллуқли корпоратив бошқарув аттестатига эга мутахассис ёки қимматли қоғозлар бозорининг мутахассиси мавжуд аудиторлик ташкилотлари;
- аккредитация қилинган рейтинг агентликлари;
- корпоратив бошқарманинг Илмий-таълим маркази;
- хусусийлаштириш, рақобатни кучайтириш ва корпоратив бошқарув муаммоларини тадқиқ қилиш маркази.

36. Корпоратив бошқарув тизими баҳоланишини ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлаш АЖ Кузатув кенгашининг қарори бўйича танлов асосида амалга оширилади.

37. АЖда корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳоланиши Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобатчилик қўмитаси ва корпоратив бошқарманинг Илмий-таълим маркази томонидан тасдиқланадиган саволнома асосида амалга оширилади.

38. Корпоратив бошқарув тизимининг амалга оширилган мустақил баҳоланиши натижалари АЖ сайтида бундай баҳолашни ўтказган ташкилот хулосаси билан бирга эълон қилинади.

39. Давлат ва хўжалик бошқарув органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва давлат номидан акциядор сифатида иштирок қилаётган бошқа давлат ташкилотлари:

- АЖда корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳоланишини ўтказиш учун мустақил ташкилотни ўз ҳисобидан жалб қилиш;
- корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳоланиши натижаларидан АЖ бошқарув органларида улар номидан иштирок қилаётган шахсларга мукофот пуллари (иш ҳақлари) миқдорларини белгилаш учун фойдаланиш ҳуқуқига эга.

XI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

40. Кодекс тавсияларига риоя қилмаслик давлат органлари томонидан жавобгарлик чоралари қўлланилишига олиб келмайди.

41. Акциядорлар умумий йиғилиши АЖ мансабдор шахсларига Кодекс тавсияларига риоя қилинмаганлиги ёхуд Кодекс томонидан назарда тутилган ахборот ошкор қилинмаганлиги учун жавобгарлик чораларини белгилаш ҳуқуқига эга.

42. АЖда Кодекс тавсияларининг жорий қилиниши устидан назорат Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

**Акциядорлик жамиятларига Корпоратив бошқарув кодексини жорий қилишга
тайёргарлик бўйича
ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич Тайёргарлик	АЖ Ижроия органи	1. Корпоратив бошқарув кодексини жорий қилишга тайёргарлик бўйича ишчи гуруҳи ташкил қилиш.	Корпоратив бошқарув кодекси тасдиқлангандан сўнг бир ой мобайнида.
	АЖ Ижроия органи	2. Ички ҳужжатларни қабул қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва Жамият Кузатув кенгашига киритиш.	Ички гуруҳи ташкил этилгандан сўнг икки ой мобайнида.
	АЖ Кузатув кенгаши	3. Ишлаб чиқилган ички ҳужжатларнинг Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланиши.	Жамият Кузатув кенгашига материаллар тақдим қилинган санадан бошлаб бир ой мобайнида.
2-босқич Жорий қилиш	АЖ Кузатув кенгаши	1. Акциядорлар умумий йиғилишига Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя қилиш ва хабар қилиш шакллари маъқуллаш тўғрисидаги масалани киритиш.	Жамият Кузатув кенгаши томонидан маъқуллашгандан сўнг бир ой мобайнида.
	АЖ Кузатув кенгаши	2. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя қилиш ва хабар қилиш шакллари маъқуллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш.	Жамият Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган тааллуқли Акциядорлар умумий йиғилишида.
	АЖ Ижроия органи	3. АЖ фаолиятида Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя қилиш тўғрисидаги хабарни эълон қилиш.	Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан сўнг 10 кун мобайнида.

3-босқич Мониторинг	АЖ Кузатув кенгаши	1. АЖда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ўтказилиши учун мустақил ташкилотнинг танлов асосида танланишини амалга ошириш.	Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ўтказилишигача бир ой олдин.
	Мустақил ташкилот	2. АЖда корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳоланишини ўтказиш ва унинг натижаларини Жамият Кузатув кенгашига тақдим қилиш.	Йилига энг камида бир марта.
	АЖ Кузатув кенгаши	3. АЖда корпоратив бошқарув тизимининг ўтказилган баҳолаш натижаларини Акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши йиғилишда кўриб чиқиш.	Кузатув кенгашининг йил якунлари бўйича йиғилишда.
	АЖ Ижроия органи	4. АЖда корпоратив бошқарув тизимининг ўтказилган баҳолаш натижалари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича чоралар кўриш.	Кузатув кенгаши қарори билан белгиланган муддатларда.
	АЖ Кузатув кенгаши	5. АЖда корпоратив бошқарув тизимининг ўтказилган баҳолаш натижаларини Акциядорлик жамияти Акциядорлар йиллик умумий йиғилишида кўриб чиқиш.	Қонун ҳужжатлари билан белгиланган муддатларда.

**Акциядорлик жамияти томонидан ўз фаолиятида Корпоратив бошқарув кодекси
тавсиялари қабул қилинганлиги тўғрисида
Х А Б А Р Н О М А Ш А К Л И**

(Акциядорлик жамиятининг номланиши)

«Бекабадцемент» АЖ шуни маълум қиладики, 20__ йил «__» _____ да ўтказилган Акциядорлар умумий йиғилишининг “_____-сонли қарорига мувофиқ, Жамият томонидан 20__ йил «__» _____ дан бошлаб Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссия йиғилишининг 201__ йил «__» _____ даги “_____-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига риоя этиш мажбурияти қабул қилинди.

(Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига мувофиқ қўшимча ахборот)

АХБОРОТ

Барча Акциядорлик жамиятларида Корпоратив бошқарув кодекси қоидалари ва тамойилларига риоя қилиниши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 31 мартдаги ПҚ-2327-сонли Қарорига мувофиқ ташкил қилинган Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссия томонидан йил мобайнида ва ҳар молия йили якунлари бўйича мажмуи таҳлил амалга оширилади ҳамда Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш бўйича аниқ таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йиғилишига муҳокама қилиш учун киритилади.